

ҚИШЛОҚ ХАЖЖАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

1990 йил 11 декабрь

СЕШАНБА

№ 282 (5.075)

ПУДРАТ ҚУДРАТИ


Воҳид Ганиев номи Калинин районидagi «Москва» давлат хўжалигида каттаю кичик хўрмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. У қарийб 35 йилдан бери шу ерда сидқидилдан ишлаб келаяпти. Утган даврда деҳқончиликнинг миридан сиригача ўрганди, экинларини экиш, парваришлар ва мўл ҳосил этишларида катта тажриба тўплади.

Илгори усул—онла пудрати жорий этилганда у биринчилардан бўлиб шундай ишлаган. Кейинроқ ижара асосида деҳқончилик қила бошлади. Жорий йилда картошкадан баракали ҳосил еттиштирди. Хўжаликка 16 тонна маҳсулот топширди. Шунингдек, қарамадан ҳам яхши ҳосил олинди. Эл дастурхонига 45 тонна шундай неъмат тортиқ этилди.

Ижарачи онла қовун, тарвуз, супургини экиш билан ҳам шугулланмоқда. Биргина супургидан 4 минг дона даста тайёрланди.

Шу кунларда келгуси ҳосилга пухта замин яратилапти. Экинзорлар аллақандай сифатли шудгорлаб қўйилган. Далага гўнг ташиб чиқариш, бошқа шу каби юмушлар бажаришмоқда.

Н. ҚОСИМОВ.



Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Президент фармони қандай бажарилмоқда?

Тўқинчилик сарчаси

Аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ботида шу йил бир қанча тадбирлар белгиланди, амалий ишларга қўл урилди. Жумҳуриятимиз Президентининг «Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалигидаги чорва моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўлайитириш тўғрисида» ва «Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидagi чорва ва паррандаларни озуқа билан таъминлашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»га фармонлари шу маънода муҳим қадам бўлди. Чунки бу ҳужжатларда шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги чорва молларини қўлайитириш, бунинг учун аҳолига ем-хашак, мол, паррандалар сотиш тадбирлари ўз ифодасини топди. Жамоатчи муҳбиримиз ана шу фармонларнинг Қашқадарё воҳаси хўжаликларига, шаҳар ва қишлоқларида қандай бажарилаётгани ҳусусида вилоят деҳқончилик-саннат уюшмаси раисининг биринчи муовини Ж. ОМАРОВ ва вилоят режалаш комиссиясининг раиси Р. НАСИМОВ билан суҳбатлашди.

Ж. ОМАРОВ: Президентнинг «Жумҳурият аҳолисини шахсий ёрдамчи хўжалигидаги чорва моллари ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўлайитириш тўғрисида»ги фармони ҳамда уни амалга ошириш бўйича ҳукуматимизнинг қарорини эълон қилиниши бу соҳада амалга ошириш лозим бўлган катта ишларни бошлаб берди. Деҳқончилик-саннат уюшмаси мажмуида қирувчи ташиқлотлар, хўжаликларда аҳолига ем-хашак етказиб бериш, чорва моллари, паррандалар сотиш бўйича аниқ режалар амалга оширилди. Жумладан, 56 минг тонна хашак, шундан 28 минг тонна беда пичани сотиш мўлжалланган эди. Утган етти ой мобайнида 130 минг тоннага яқин сомон, табиий хашак, беда пичани етказиб берилди. Лекин ширали озуқа бўйича белгиланган режа бажарилмай қолди. 11 минг тонна ўғина, бор-йўғи 4,8 минг тонна сотилди. Вилоятимизнинг Яқабғой, Уянов, Қамаш, Чироқчи районларида аҳолига хашак етказиб бериш топшириқлари охирида бажарилиди. Лекин Кўтоб ва Шахрисабз районларида бу соҳадаги режа удаланмади. Кўтоб районида (деҳқончилик-саннат уюшмаси раиси Т. Хидиров) 4.430 тонна ўғинага 4.249 тонна, Шахрисабз районида (деҳқончилик-саннат уюшмаси раиси Ш. Ражабов) эса 5.710 тонна ўғинага 5.305 тонна хашак сотилди. Аҳолига ширали озуқа етказиб бериш Қарши, Уянов районларида бир мунча дуруст йўлга қўйилди, яъни белгиланган режалар бажарилиди. Қарши райони хўжаликларига аҳолига 960 тонна, Уянов районига эса 750 тонна ширали озуқа сотилди.

Гўзор райони бўйича аҳолига ширали озуқа етказиб бериш режаси бор-йўғи 8 тонна удаланишдан ҳеч бир сабаб билан нозуқаб бўлмади. Етти ой ичида аҳолига 740 тонна ўғинага 57 тонна ширали озуқа сотилди, ҳоло Бахористон, Деҳқонобод, Чироқчи районларида аҳолининг шахсий чорва моллари учун бирон килограмм ҳам ширали озуқа етказиб берилмади ва жумҳурият Президентининг бу соҳадаги фармони бажарилиши таъминланмади.

Бу йил бо-ҳавонинг қулай келиши натижасида қалла ва макжаҳхори мўл бўлди. Қўлаб хўжаликларда ем

ем тўғри келадиган бўлди.

Лекин ҳамма жойда ҳам аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини учун ем етказиб берилаётгани йўқ. Масалан, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаш, Бахористон, Муборак районларининг қўшма қишлоқларида давлат қўли билан аҳолига ем етказиб бериш йўлга қўйилмаган. Давлат томонидан ажратиладиган ем ва чигит чикиндисининг катта қисми вилоят маркази — Қарши шаҳрига яқин аҳоли истиқомат жойларида қолдиб кетаётди.

Президентнинг шу йил 25 октябрда эълон қилинган «Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидagi чорва ва паррандаларни озуқа билан таъминлашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармони меҳнаткашларнинг озуқасини йўқолатиб қолди, муборак бўлмади. Чунки шунгача чикитни қайта ишлашдан чиқадиган чикитнинг катта қисми жумҳуриятимиздан четга — Россия Федерациясининг айрим вилоятларига, Белоруссия, Болгария ва Украинага жўнатилади эди. Фармонда эса жумҳуриятда ишлаб чиқарилаётган чикит чикиндисининг ҳаммаси жумҳуриятнинг ўзиди қолдирилади, ширинлиги қўйилган. Қарши ва Косон ёғ-экстракци заводаларида ишлаб чиқарилаётган шелуха ва кунжаранинг ҳаммаси вилоятимиз ахтирчи учун ишлатиладиган бўлди.

Хар икки корхонада йилига 190 минг тонна кунжара, 71 минг тонна шелуха ишлаб чиқарилади. Жумладан, Косон ёғ-экстракци заводи ўтган йили 87,6 минг тонна кунжара, 3.100 тонна шелуха, Қарши заводида эса 30 минг тонна кунжара, 2 минг тонна шелуха жумҳуриятимиздан четга жўнатиб юборилган. Хуллас, маҳсулотнинг асосий қисми олиб кетилган.

Хўш, бу йил аҳвол қандай? Жумҳурият Президентининг чикит чикитини четга чиқармаслик тўғрисидаги кўрсатмасидан сўнг бирон бир ўзгариш бўлди? Бу йил ҳар иккала корхонадан 131 минг тонна кунжарани жумҳурият ҳудудидан четга юбориш режалаштирилган эди. Қарши ёғ-экстракци заводи раҳбарлари бу йил бирон тонна ҳам чикит чикитини жумҳуриятдан четга чиқармадилар. Бу корхона Самарқанд ва Бухоро вилоятлари чорвадорларига 2 минг тоннадан ортиқ шелуха жўнати.

Косон ёғ-экстракци заводи раҳбарлари негариб бу оқилна тадбирга бос қўшаётганлиги йўқ. Корхонадан ҳамон эски адреслар бўйича чикит чикитини жўнатиш давом этиляпти. Шу йилнинг ўн ойи ичида завод раҳбарларининг «хўшма» билан 66 минг 600 тонна кунжара, 30 минг тонна шелуха четга чиқариб юборилди. Четга озуқабоп маҳсулот жўнатиш бас қилинган йўқ.

Чикит чикити тўйимчилиги, ёғлилик даражаси, турли оқсил, моддаларга бойлиги билан ҳам ҳар қандай емдан устун туради. Демак, шелуха ҳам, кунжара ҳам гўшт ва сўт етиштиришда бебаҳо

манба. Президент ўз фармонидида чикитни қайта ишлашдан олинадиган чикитни жумҳурият ҳудудидан четга чиқаришни таъқиқлаб, жуда тўғри иш қилди, оқилна тадбир қўлади. Бу билан минг-мингларча тонна чорва маҳсулотларининг қўлайишга имкон яратди, маъмурият ҳисса қўшилди. Нелгуси йилдан бошлаб, фармонда қайд этилганидек, аҳолининг шахсий хўжаликларига беклаётган ҳар бир ситир учун ўртача 160 килограммдан кунжара, 115 килограммдан шелуха ажратилиш имконияти яратилди.

Қарши ва Яқабғой ўз заводаларида бир йилда ишлаб чиқарилаётган 122 минг тонна омухта етказиб ҳаммаси жамоат чорваси ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларига бериш учун вилоятнинг ўзиди қолдирилади.

МУХБИР: Юқорида билдирилган фикрлардан, келтирилган далиллардан ҳам билиниб турибдики, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, ҳусусан аҳолининг гўшт, сўт ва туҳмага талаб-эҳтиёжини қондириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Аҳолига ем-хашак, чорва молларини қўлайитириш, маҳсулот етиштиришни ошириш билан маъмурият ҳисса қўйиш йўллари белгиланди.

Ҳали озуқа екинлари жойлаштирилган майдонларда ўртача ҳосил олинапти. Беда ва макжаҳхори, давлаг ва бошқа озуқа екинлари ҳосилдорлиги паст. Ҳар гектар майдон ҳисобига мавсумда 4—5 тонна озуқа берилги олинапти, ҳоло. Вилоят ширинлиги ҳар гектардан ўртача 10 тонна озуқа берилги ҳосил қилиш мумкин. Демак, бир килограмм гўшт етиштириш учун 7 озуқа берилги сарфланапти. Ҳисса ҳисобига олак, ҳар уч гектар озуқа екинлари жойлаштирилган майдонлардан 2 тонна майдонда гўшт етиштириш имконияти бор.

Аҳолига кўпроқ ширали озуқа, ем, шелуха ва кунжара етказиб бериш билан гўшт ва сўт етиштиришни қўлайитиришга эришиш пайти келди. Аниқсая, бу бозор иқтисодиётига ўттиш арафасида меҳнат аҳлининг таъминотини яхшилашда қўл келадди.

Қўшма хўжаликларда аҳолига қари, маҳсулот бермайдиган чорва моллари рўпара қилинмоқда. Натижада уларни боқиб қўлайитиришнинг, маҳсулот олишнинг иложи бўлмапти. Шахсий хўжаликларнинг зотдор, қўлаб гўшт ва сўт берадиган моллар билан таъминлаш лозим. Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислар аҳоли ихтиёрида мавжуд чорва молларининг наслини яхшилаш чоралари ҳақида жон қўйишлари керак.

Аҳолига қарашли чорва моллари учун етказиб бериладиган омухта ем, кунжара, шелуха, келгуси йили янада қўлабди. Бунинг учун хўжаликлар томонидан ажратилган озуқа ҳам ортади. Аҳолига кўпроқ ширали ва тўйимли озуқа етиштириш беришга эришиш лозим. Ана шундангина тўқинчилик сари бошланган ҳаракат самарали бўлади.

П. ГАДОВЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ШИРКАТЧИ

Ишнинг қўзини биладиган, тиниб-тинимас, ташаббускор кишиларга омад ёр. Шарифжон Валижон — шўларнинг бири. Уни Бўка районидида биринчи фермер деб аташади. Бу бежиз эмас.

Мен Шарифжон ақани кўп бери биланам. У — деҳқончилик илмининг билимдони, моҳир иш юритувчи, ҳисоб-китобга пухта. Анча йил Ҳамза номида жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган. Турғунлик даври ҳусусати билан ноҳақликларга дучор бўлган. Ш. Валижоннинг ўз кучини бошқа соҳада сиғдиришга қарар қилди. Ижара усулида иш юритувчи муштарифи ҳамма тўзди. Бунинг қўшма қўшма маъқуллаб кўтиб олиниди.

110 кишидан иборат «Дўстлик» ижарачи ширкати шу тариқа юзага келди. Шарифжон ака қамқосил ва шароити қийин бўлган ерни сураб олди. Жорий йилда 89 гектар майдонда пахта, сабзавот, картошка етиштирилди, богдорчилик ва чорвачилик ишлари йўлга қўйилди.

— Ширкатга «Дўстлик» деб ном қўйилганлигининг босни нимада? — сўрадик ундан.

— Қўпчиликлда шу манзур бўлди, — деди Ш. Валижон. — Бу сўзда маъно кўп. Мамлакатимизда, қолаверса районимизда рўй берган ноҳусу воқеалар барчамизни қаттиқ изтиробга солди. Баъзи бир ғаламислар қардош миллатлар ўртасида таркиб топан азалий дўстлик, аҳилликка раҳна солишга уринишмоқда. Ахир тинч ва фаровон яшашдан афзалроқ нима бор? Шу босдан ҳаммиша ва ҳамма ерда дўст, қадрдонлиқни асрашимиз керак.

Қаерда ижара тўғри жойи қилинаётган бўлса, ўша ерда ютуқлар қўлаймоқда. Бунинг «Дўстлик» мисолида ҳам қўриш мумкин. Жамоа аъзоларининг руҳияти тетик, қайфияти кўтаринки, негаки

ерга ҳам, сувга ҳам, етиштириётган маҳсулотга ҳам ўзлари хўжайин. Иттиҳом, маъсулият қўчайди. Даро, мад қанча кўп бўлса, маъфдорлик шунча ортади. Бунинг эса аниқ имконияти бор.

Ижарачи жамоанинг рўзғори алоҳида. Муштариф тўғрисида, давлат газнахонасида ҳисобга эга. Ишлаб чиқаришдан келадиган даромадининг асосий қисми ижарачи мақсадларга қўйилиш, ободончилик ишларида сарфланапти. Яқинда бир бино битказилди. Унга идора, дам олиш хоналари, ошхона жойлашти. Кафе, чойхона, сауна-ҳаммом, мева-чевани қайта ишлаш цели қўрилши жадал оқиб боришмоқда.

Қаловини топсанг қор ҳам ёнади. Шарифжон ака иқтисодийни мустаҳкамлашнинг янги манбаларини изламоқда. Деҳқончилик, чорвачилик, богдорчиликни ривожлантириш имкониятлари ишга солинапти. Кунжук илгари кўп экинлари. Лекин кейинги йилларда четга сўриб чиқарилиди. Ҳатто қўнчилиқ унутиб қўйди. Жамоа бу экинни экиб, унинг ҳосилдорлигини оширапти. Жорий йилда беш гектар ердан яхши ҳосил олинди.

Унинг уруғи жузубоҳонада қайта ишланиб, ундан 7 тонна ёғ тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Ширкат ҳамкорлик ва ўзаро тенг шерикчилик дурасини кенгайтирмоқда. У Ирқутск вилоятининг Ангарск шаҳри матлубот жамияти билан шартнома тузган. Сибирликларда мева, сабзавот маҳсулотлари жўнатиб, эвазига ёғ ва бошқа қўрилши материаллари олинмоқда.

«Дўстлик»нинг келажаги бор. Жорий йил ҳисоб-китоби бу фикримизни яққол исботлайди: аҳил жамоа жами 1.5 миллион сўмдан зиёд даромад олишни қўзалапти.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ.

ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШДИЛАР

Уш вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ақиллари Фарғонадаги ўз ҳамкасблари ҳузурда меҳмон бўлдилар. Касаба уюшмаси ходимлари бир неча кун мобайнида янги-чиш шаклларида ўтган Фарғона вилоят касаба уюшмалари кенгашининг фаолияти билан танишдилар. Ташкилотда ишлаб турган бўлишлар ўрнига фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бешта доимий комиссия тузилди. Жумҳуриятда илк бор касаба уюшмалари вилоят кенгашининг таркиби янги усулда — белгиланган нормалар асосида бевосита делегатлар юбориб йўл билан шакллантирилди. Равс ва унинг ўринбосарлари, комиссиялар раислари сайлов

бевосита овоз бериш йўли билан ўтказилди. — Ҳамкасбларимиз ўтказган тақдирда қайта қўриш гўй қизқарилди, — деди Уш вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси К. Ҳудобердиев. — Бу тажрибадан биз ҳам фойдаланамиз. Иқризмистонлик меҳмонлар Фарғонада меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни тақомиллаштириш, улар меҳнатлари ва ҳуқуқларини яхши қилиш масалалари қандай ҳал этилаётганлиги билан ҳам қизиқдилар. Ушларнинг «Тўрдоғ» Фарғона касаба уюшмаси газетасининг фаолияти билан танишдилар, касаба уюшмалари бошлангич ташиқлотларида бўлдилар. [ЎТАГ мухбири].

КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНING ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

8 декабрь кўни КПСС Марказий Қўмитасининг бошлангич партия ташиқлотлари фаолиятини янгилаш ва ижтимоий-сиёсий масалалар билан шугулланувчи доимий комиссияларнинг қўшма мажлиси бўлди.

Комиссияларда ССЖИ Адлия вазирлигида КПСС уставини рўйхатдан ўтказишга доир тайёргарлик ишлари тўғрисида КПСС Марказий Қўмитасининг қотиби Ю. А. Манасқовнинг ахбороти тингланди. КПССнинг XXVIII съезидида қабул қилинган партиянинг янги уставини «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги ССЖИ қонуни талабларига асосан мувофиқ ақиллиги ҳамда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилиши зарурлиги айтилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида доимий комиссияларнинг аъзолари партия уставининг рўйхатдан ўтказилиши шунчаки расмий жараён бўлиб қолмай, балки партия тўғрисида муҳим сиёсий маркази йўқолади, деган ақид фидо қилинди. Бу жараён партияимизни янгилашга қўмақлашиб, барча коммунистларда эртанги кунга ишончли ошириш учун унга таъгарлик қўриш ва уни ўтказиш зарур.

Доимий комиссияларнинг аъзолари КПСС Марказий Қўмитасининг қотиби В. А. Купцовнинг давлат ҳокимияти олий оғандида ССЖИ халқ депутатлари бўлган коммунистлар ишлари тақомиллаштириш масалаларида доир маърузасини қўйиш муҳокама қилиди. Бунда қўнчилик фаолиятида коммунистларнинг фаолиятини оширишга, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволини излаш мақсадларини қўзлаб бошқа ижтимоий-сиёсий ташиқлотлар ва ҳаракатлар вакиллари билан уларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади. Комиссиялар ССЖИ халқ депутатларининг бўлажак тўртинчи съезди муносабати билан партиявий-сиёсий ишларни қўлайитириш тўғрисида иттифокдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Қўмиталарига, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ партия қўмиталарига тавсиялар бердилар.

Комиссиялар бошлангич партия ташиқлотини қўнчиликнинг мақоми тўғрисидаги изомининг, партия аъзолик бадалларини ва партия ташиқлотларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳисоб-олишига доир йўл-йўриқ-

ларнинг узил-кесил ишлаб чиқилган лойиҳаларини, ССЖИ Қўролли Кўчаларида партия ташиқлотларининг иш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Уларни комиссия аъзоларидан иборат бошлангич партия ташиқлотлари фаолиятини янгилаш масалалари билан шугулланувчи ишчи гуруҳлари жамиятшунос олимлар билан биргаликда тайёрладилар. Улар КПСС Марказий Қўмитасига, маҳаллий партия комитетларига ва оммавий ахборот воситаларига партия ташиқлотларидан, коммунистлар ва партиячилардан тушган тақлифлар ва муҳокаваларни диққат билан қўриб чиқдилар. Илгари эълон қилинган норматив-методик ҳужжатлар лойиҳаларига муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Мазкур масалалар юзасидан «Қарағандаголь» бирлашмасининг Октябрь инқилоби 50 йиллиги номли шахтаси партия қўмитаси қотиби П. М. Мельников, КПСС Марказий Қўмитасининг ишлар мудирини Н. Е. Кручина, қўнчилар қисми партия қўмитасининг қотиби Н. Н. Дмуха сўзга чиқдилар.

Комиссия аъзолари тақдим этилган норматив-методик ҳужжатлар лойиҳаларини умуман қўлаб-қўуватдилар. Айни пайтда улар партия бюджетини тузишда бошлангич партия ташиқлотларининг ишлари ҳуқуқига, Қўролли Кўчаларда янги партиявий тузилмаларни ташкил этиш жараёнларини жадаллаштиришга тааллуқли бир қанча фикр муҳокаваларини айтидилар. Комиссиялар бўлиб ўтган муҳокама ҳисобга олиб, ишчи-гуруҳларига ҳужжатлар лойиҳаларини таянганлиги тўғрисида ҳамда уларни КПСС Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссиясининг бирлашган пленуми муҳокамага қўйишни тавсия этидилар.

Мажлисида КПСС Марказий Қўмитаси комиссиялари таркибига маслаҳатчилар номоздари муҳокама қилинди ва КПСС Марказий Қўмитаси пленумига уларни тасдиқлаш тавсия этишга қарор қилинди.

Комиссиялар ишида ССЖИ халқ депутатлари, ССЖИ Олий Кенгашидаги коммунистлар депутатлар гуруҳининг раҳбарлари иштирок этидилар.

Комиссиялар мажлисини КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита қотиби О. С. Шенин олиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНING ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1990 йил 8 декабрь кўни Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг III пленуми бўлди. Марказий назорат комиссияси раиси Ш. М. Йўлдошев «Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи қарорлари асосида жумҳурият партия ташиқлотини назорат органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чоралари тўғрисида» маъруза қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси аъзосининг мақоми ҳамда Марказий назорат комиссиясининг 1991 йил биринчи яриги мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Музокарада Челев номида давлат хўжалиги партия қўмитасининг қотиби К. Ж. Набиев, «Союзлопоко» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг қотиби илмий ходими Ф. М. Хасанова, Қораз вилоят партия ташиқлотини назорат комиссиясининг раиси Э. Ҳакимов, Мирзачўл районидида С. Сегизбоев, номида совет хўжалигининг зевно бошлиғи Н. В. Стреляева, Тошкент шаҳар партия ташиқлотини назорат комиссиясининг раиси В. А. Шелупов, Ўзбекистон

касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. К. Адамов, Ўзбекистон ССЖИ иқтимоий таъминот вазирини С. А. Хўжаева, Ўзбекистон ССЖИ Олий Кенгаши режалаш ва бюджет-молия масалалари қўмитасининг раиси Э. Ж. Бокбобоев, Бухоро вилоят партия ташиқлотини назорат комиссиясининг раиси О. Холматов, Тошкент уювчилар комплекси ИЛ-86 самолётининг, борт муҳандисини П. А. Сафоев, Ленинск шаҳар партия қўмитасининг биринчи қотиби Ш. Ф. Юсупов қатнашдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленум Ўзбекистон Табиий муҳофазат қилиш жамияти кенгашининг раиси О. Алимов ва Тошкент халқ хўжалиги илм-гоҳининг ректори С. С. Гуловнинг Марказий назорат комиссиясини раёсатининг аъзоларини этиб сайлади. Пленум Д. А. Маркицкий жумҳуриятдан бошқа жойга кетганлиги муносабати билан қўнчилиқ илм-гоҳига кўра уни Марказий назорат комиссияси таркибидан чиқарди. Пленум шу билан ўз ишнини тугатди.

(Давоми келгуси сонда).



Тўйга Тўёнга

олди равои; иш қилурда
ҳамдам ва ҳамқадм,
деҳқон аларни сурарда
андоқки одам».

Еки:
«Олам наъмурини
алардин,
Алам аҳли масрурийи
алардин».

Яна:
«Ҳар қаён қилсалар
ҳарокат,
Элга ҳам қут екурур, ҳам
барокат».

Шу тарада улуг шоир
Навоий тарих китобида деҳқон
касбини ҳатто илоҳийлашти-
ради!

Биз бу ҳақда қўлаб ҳи-
қоя қилишимиз мумкин. Ле-
кин ҳозир буюк ижодкор-
нинг тўйига тайёргарлик
ишлари қандай бораётганини
ҳақида тўхталмоқчимиз.
Жумладан, Тошкентда На-
воий ёдгорлиқларини ярат-
моқ бўйича танлов эълон қи-
линди. Унинг биринчи па-
ласида Навоийга ҳайкал ўр-
натмоқ ва пойтахтдаги шеър-
ларнинг боғчасини тўзатмоқ
тўғрисидаги тақдирлар амал-
га оширилмоқда.

Ҳайкал Навоий номидаги
Ўзбек давлат опера ва балет
академик Катта театри эн-
да ўрнатилиши мўлжаллан-
ган. Театр майдони эса На-
воий майдони, деб аталади.
Самарқандда Навоий ўқи-
ган Хона Фазлуддин Абду-
лайс гузаридagi ёдгорлик
тикланаяпти. Айни пайтда
Абулайс хонадонини яшаган
маҳалла ободонлаштирила-
ётди. Шаҳар марказидаги
Навоий номи долорфунун
яқинида шоирга ҳайкал ўр-
натмоқ тадбири қўрилмоқ-
да.

Ўзбекистон Маданият
вазирлиги «Алишер Навоий»
бадний фильми ва спектакли-
нинг томошабинларга қайта
курсишти ҳаракатидадир.
Навоий тўғрисида яна учта
песа, иккита киносценарий
ёзиб ботиқилди. Эндиги ва-
зифа Навоий тўғрисида ва
унинг асарлари бўйича спе-
циалларни теода экранга
чиқаришдан иборат. Буюк
аллома номи билан аталу-
чи театр композитор Мута-

либ Бурҳоновнинг «Алишер
Навоий» операсини саҳна-
лаштирди. Яқинда унинг
премьераси муваффақият
билан намоиш этилди.

Бу хайрли ишларда Ўзе-
бекистон ССЖ Фанлар акаде-
мияси ҳам фаол иштирок
этибди. Хусусан, «Фан»
нашриёти улуг устознинг 20
йиллик тўла асарлар тўп-
ламиди Ўзбек тилида нашр
этишти.

Ҳозирча тўплам-
нинг 6 жилди китобхоналар
қўлига етиб борди. Яна шу
нашриётда Навоий ижоди-
нинг кейинги адабий жара-
ёнига тасвири тўғрисидаги
илмий асарлар ҳам нашр
этиллиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитаси нашриё-
ти Жумҳурият Фанлар ака-
демиясининг Қўлэмалар
институтини билан ҳамкорлик-
да шоирнинг «Фарҳод ва
Ширин», «Лайли ва Маж-
нун» дostonларини Ўзбек ва
рус тилларида chop этиди. Га-
фур Гулом номидagi бадий
адабиёт ва санъат нашриё-
ти эса «Хазойин ул маоний»
девори ва «Хамса»даги до-
stonларни нашрдан чиқаради.

«Китобхон» жамияти Қў-
лэмалар институтини билан
биргаликда Навоий тўғриси-
да Ўзбек ва рус тилларидаги
рисолаларини, рус тилида
шоирнинг тайланган шеър-
ларини эълон қилди. Айни
пайтда, шоирнинг ижодий
портретини нашр этирди.

Шунингдек, Алишер На-
воийнинг кам ўрғанилган
«Вақфия», «Назм ул жаво-
ҳир», «Муҳоммад ул-дуга-
тайн» асарларининг йиғма
ва танқидий матнлари ту-
зилди ва улар нашр этилиш
арафасида турибди.

Ўзбекистон ССЖ Телеви-
дение ва радио эшиттириш
давлат комитети Алишер
Навоий ижодини омалаш-
тиришга оид турли қўрсату-
в ва эшиттиришларни мунта-
зам амалга ошириб бормоқ-
да. Вақтли матбуот шу ма-
вудга мақолаларини мунта-
зам эълон қилиб бораётгани
қувончлидир. Шу билан
бир қаторда шоир ҳаёти ва
адабий мероси билан боғлиқ

ҳужжатли, илмий-оммабоп
фильмлар яратилмоқда. Ян-
ги саҳна асарлари устида
иш олиб борилаёпти.

Шоир номи билан атала-
диган давлат адабиёт музе-
инда ҳам бир қанча ишлар
амалга оширилмоқда. Му-
зейнинг айрим қўргазма хо-
налари ва қўлаб санъат
асарлари қайта таъмирдан
чиқарилди. Бу ердаги «На-
воий шеърлати» қўргазмаси
янгидеворий расмлар билан
безатилди. Айни чоғда
«Хамса» залида ҳам улкан
деворий расмлар яратиш
ишлари бошлаб юборилди.
Бу ишларни машҳур расм
Чингиз Ахмаров ва унинг
шоғирдлари амалга оши-
рмоқдалар. Юбилей арафа-
сида қўргазма хоналари ян-
ги санъат асарлари билан
бойитилади. Бунинг учун бир
нечта жозибали асарлар со-
тиб олиниди.

Шу ўринда айрим тақлиф
ва истақдорининг ҳам ай-
тиб ўтишни лозим топарди.
Жумладан, худлик билан
Навоийга бағишланган «ин-
шоотларни қўриб битақмоқ»
шарт. Иттифоддаги жумҳу-
риятларда эса Навоий та-
валлудига оид тадбирларни
ўтказмоқ ишларини жонлан-
тириш даркор.

Шунингдек, Москвада бў-
либ ўтadиган шоир юбилей
тадбирларини маҳаллий ма-
камалар билан келишмоқ ва
аниқламоқ лозим. ЮНЕСКО
йўли билан ўтказилadиган
тадбирлар режасини қатъий
аниқламоқ зарур.

Афғонистон, Туркия,
Франция, АҚШ ва бошқа
хорижий мамлакатларда ҳам
Алишер Навоий юбилейи
тайёргарлик ишлари бораёт-
ганини бизга маълум.

Хуллас, улуг шоир ва
мутафаккирининг улкан тўйи
тадоригини қўриш ҳозирги
кунларда ҳал қилувчи па-
лага ўтди.

Азизхон ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ССЖ Фанлар
академияси Қўлэмалар
институтининг директори,
Алишер Навоий юбилейи-
ни ўтказиш комиссияси-
нинг масъул котиби.

Умид улдурум: Навоий юртини обод айласам,
Меҳнат аҳли қўлини ижод ила шод айласам,
Меҳрибон, муноси вафодорларни дилшо айласам,
Элга наъмур айласам ва ҳаммани ёд айласам,
Ул замон қўрсатгуси ашъорларим руҳдорини.

Келди даврон сиз умид қилган фаровон, ҳур замон,
Марҳаб устоз аълам шеърхонликка мўдот,
Созимизда шўх садо ҳам барчамиз ширин калом.
Муҳтарам шоир Навоийга дегаймиз асалом,
Ед этибон «Хамса» бирлан «Маҳзан-ул асори»ни.

Октябрь БОБОНАЗАРОВ,
пенсияер-ўқитувчи.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Келгил, эй дўст, сайр этайлик шеърлат гулзорини,
Эд этиб шоир Навоийдек шакар гуфторини,
Ҳажд муқом жисини вайрон айлди ул зорини,
Гул дебон қўйди қадам, босди ҳақиқат хорини,
Нолалар бирла юрди топилаб ёрини.

Куйлади Фарҳоду Ширин ошқи зор ҳажрида,
Гоҳи Лайли, гоҳи Маҷнундек дилфогр ҳажрида,
Васли ҳет бўлмади насиб йиғилди ёр ҳажрида,
«Шаммақом», «Савти наво», гоҳида «Гулёр» ҳажрида,
Пардани авжига боғлаб қалди у дутурини.

ЧОРТОҚДА ЕРОСТИ ЙЎЛИ

Район маркази — Чортоқ
шаҳрининг юқи кўприги енида
ерошти йўли қурилиш жадвал
бормоқда. Бунинг учун шу
жойнинг таланиши беиз
эмас. Биринчидан, ҳамма йўл-
лар мазкур кўприкка келиб
тутшади. Иккинчидан, бу ер
Чортоқ деҳқон базори яқини-
даги энг гажум чоррақа ҳи-
сбланади.

Ерошти йўлининг лойиқа қий-
мати — 531 минг сўм. Ин-
шоотни бәрпо қилишни На-
манган вилоят автомобил
йўлларидан фойдаланиш бош-
қармасига қарашли 31-кўприк-
созлик участкасининг Қайом-
жон Маматхон бошлик ку-
рувчи-монтажчилари олиб бо-
риятдилар. Пойдевори тиклен-
ганига икки ойдан ошди. Хо-
зирдаёқ 150 минг сўмдан зиёд
маблаг ўлаштирилди. Чунки,
10 минг куб метрдан ортиқ
тупроқ, 60 тоннага яқин ме-
талл ишлари бажарилди. Те-
мир-бетон блоклари терши,
плита ўтказиш билан боғлиқ
анчагина юмушлар амалга
оширилди.

Иншоот қурилиш икки сме-
нада тизиг график асосида
олиб борилаётди. Зарур бўл-
ганда аънавий ҳашар уюш-
тирилмоқда. Масалан, «Ок-
тябрь», Навоий номи, «Мос-
ква» жамоа «ҳўжаликлари»,
«Партия ХХII съезди» давлат
ҳўжалиги, шунингдек, район

деҳқончилик-санъат уюшмаси-
га қарашли автокорхоналар
техника воситалари ва ишчи
кучлари билан бунёдкорларга
яқиндан ёрдам бermoқдалар.

Ерошти йўли қурувчилари
графикдан ўзиб ишласмоқда.
Улар кейинги ой якунига қўра
вилоят бошқармаси фажрий
ёрлиги билан тақдирланишиди.
Иншоотда етти томондан мар-
мар зинали кириш-чиқиш йў-
лари бўлади. Ҳозир йўл усти-
ни ёпишга киришылди. Мута-
хассисларнинг айтишларича,
яқин кунлар ичида транспорт
қатновига рухсат берилди.
Сўнгра ички қисмларни жи-
ҳозлаш ва пардозлаш бошла-
нади. Бирча ишлар келгуси
йилнинг биринчи чораги охи-
ригача поёнига етказилади.

Зарбдор қурилишда зарб-
дорчасига меҳнат қилиб, иб-
рат кўрсатаётган ишчилар кўп.
Бу ерда ҳавоэачи Ҳакимжон
Нажмидинов, эскаваторчи
Виктор Навилмуллин, ишчи
Финал Нуриева, бригадир Бо-
зорбой Нуралиев, қурувчи-ин-
женер Абдулло Ҳамидовнинг
номлари ҳурмат билан тилга
олинади.

Ерошти йўли ишга тушган,
пийдалар учун қўлайлик туғи-
лади. Транспорт ҳаракати
жавфсизлигини таъминлаш им-
конияти яралади.

С. ТУРГУНОВ.

Ойнаи жаҳонда

12 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

● УЗТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 «Табияти асрайлик». Кино-
программа.
12.30 Такрорий фильмлар эври-
ки. «Бузоқ йили. Бадий
фильм (А. Довженко номи ки-
ностудия). * * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиланган.

18.10 «Елгонки митивой». Мульт-
фильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар
даврисида».
18.50 Амалий давра суҳбати.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.60 «Гастролад кейинги кон-
церт», Мусикий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».

20.50 Ориф Одилхон шеврлари
билан айтилadиган қўшқлар.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Гулзорим гўзал». Ҳабиб
таваллудининг 100 йиллигига
бағишланган мусикий кўрсатув.
23.00 «Жабранувиқларнинг даъ-
воси йўқ». Бадий фильм
(«Козокфильм»).
00.35 Эртанги кўрсатувлар тар-
тиби.

● УЗТВ II
19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 П. И. Чайковскийнинг 150
йиллигига бағишланган Бутун-
иттифог бeлeт фестивали.
20.00 «Тошкент» хабарлари.
20.10 «Муруват».
21.00 «Меросхўр», Телефильм.

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 XII қаҳриқ Тожикистон
ССЖ Олий Кенгашининг тўр-
тинчи сессиясида.
23.00 «Эллик учинчи йилнинг со-
вуқ ёзи». Бадий фильм.
● МТ I
7.00 «120 минута».
9.00 «Шантаж». Беш серияли те-
левизион бадий фильм премье-
раси. 3 ва 4-сериялар.
11.45 Хоккей. Уртоқлик учрашу-
ви. «Монреаль Канадиенс» (Ка-
нада) — «Химки» (Воскресенск).
2 — 3-дaвлap. Канададан кўр-
сатилади.
13.00 «Время».

13.40 Футбол. УЕФА кубог. 1/8
финал. «Монако» (Франция) —
«Торпедо» (Москва). Франция-
дан кўрсатилади.

● МТ II
9.00 Эртабаки бадантербия
машқлари.
Уқув программаси
9.15 «Леннаучфильм» киносту-
дийининг фильмлари. «Дəр
билан юзма-юз».
9.35, 10.35 Информатика ва ҳи-
сoблaш техникаси асослари.
Бейсик нимага қодир?

10.05 Немис тили. 1-йил шуғул-
ланadиганлар учун.
11.05 Немис тили. 2-йил шуғул-
ланadиганлар учун.
11.35, 12.35 Адабиёт. 7-синф
Н. А. Некрасов. «Аёз бoбo».
12.05 Хужжатли фильм.
13.05 «Тирик мурдaвлap шaҳpи»
(Беларусфильм).
Хужжатли фильм премьераси
(Беларусфильм).
13.25 Такрорий телефильмлар се-
анси. «Дала ҳовли воқeалepи».
6-серия — «Энг қизгин кунлар».

● МТ III
17.25 Л. Бeрнстайн. «Вестсайд во-
кeлeси» мюзиклидан симфоний
рақслap.
17.55 «Биз билан бирга, худди
биздек, биздан ҳам яхшироқ
бажар».

18.55 Коллаж.
19.00 «Время» (сурдо таржумаси
билан).
19.30 Фольклор коллективлари-
нинг концерти.
19.50 «Айбис айбдорлар». Теле-
визион хужжатли фильм (Рос-
тов-Дон).
20.10 Тунигиз хайрли бўлсин,
кичикинтойлар! «Каттакан Ух».
Мультфильм.

20.25 «Америкадан мактублар».
1-кўрсатув.
21.25 «Бизнинг фондимиздан».
С. Франк. Ре минор симфо-
нияси.
22.05 Информацион программа.
00.05 ССЖ Олий Кенгашининг
сессиясида.

18.55 Коллаж.
19.00 «Время» (сурдо таржумаси
билан).
19.30 Фольклор коллективлари-
нинг концерти.
19.50 «Айбис айбдорлар». Теле-
визион хужжатли фильм (Рос-
тов-Дон).
20.10 Тунигиз хайрли бўлсин,
кичикинтойлар! «Каттакан Ух».
Мультфильм.

20.25 «Америкадан мактублар».
1-кўрсатув.
21.25 «Бизнинг фондимиздан».
С. Франк. Ре минор симфо-
нияси.
22.05 Информацион программа.
00.05 ССЖ Олий Кенгашининг
сессиясида.



Наманган шаҳрида очилган Шарқ табобати марказида қадимги тиббиёт услублари компьютер техникаси билан муваффақиятли уйғунлаштириб қўлланилмоқда.

Халқ табиби Муҳиддин Умаров беморларнинг томири-
ни кўриб, турли касалликларни аниқлаб бера олади.
ССЖ Фанлар академияси умумий физика илмгоҳи-
нинг Наманганда жойлашган маълум масофада туриб
дардин аниқлаш лабораторияси мутахассислари билан бир-
галикда компьютер орқали томир кўриб, хасталикни
белгилаш услублари ишлаб чиқилди.

СУРАТДА: Шарқ табобати марказининг директори М.
Умаров (олдинги қаторда, чапдан ўнгга), бош ҳаким Ҳ.
Қосимов ва илмий-тадқиқот тармоқ лабораторияси бошли-
ғи М. Мамадалиев томир уриш ёзувини кўздан кечир-
моқдалар.

А. КОВТУН олган сурат. (УзТАГ).

ЖОМБОЙ ЛАВҲАЛАРИ

УНВОН МУБОРАК

Район санъаткорларининг
кейинги йиллардаги ижодий
экинликлари самара берди.
Бу ердаги марказий маданият
уйининг «Жомбой тароналари»
ашула ва рақс дастасига меҳ-
натшарларини коммунистик ва
эстетик руҳда тарбиялашдаги
фаол қизматлари, репертури-
нинг бадий-гоявий санъат
юқори бўлганлиги, икромчил
маҳоратлари ортб бораётган-
лиги учун Ўзбекистон ССЖ
Маданият вазирига ҳайъат
қарорига мусофи «Халқ ҳа-
васкорлик жамоаси» унвони
берилди.

— Бу ютукда Насимжон Ни-
зомов, Абдуллох Холбўтаев,
Раҳмат Худойқулов, Гулбаҳор
Омонова, Пардабой Ражабов,
Эшқул Турсунқулов, Асрор Бо-
боев, Гулнора Рўзқулова, Ўл-
мас Эшмуродов, Қаймас Бо-
лиев, Ботир Ҳўмаев, Салим
Бердирасулов каби санъаткор-
ларнинг ҳиссаси катта, — дей-
ди бадий раҳбар Тўхтасин
Қўрбонов. — Уларнинг ҳар
бири ўз сози ва овозига эга.
Санъаткорларнинг маҳорат-
ларини янада ошириш йўлида
тиний эланимоқдалар.

Яқинда район марказий ма-
даният уйида расм билан
учрашув ўтказилиб, суратлар
кўргазмаси муҳлислар эътибо-
рига ҳавола этилди. Унинг
асарлари муҳлисларда катта
қизиқиш уйғотди.

Тасвирий санъатни ривож-
лантиришдаги қизматлари учун
Ансор Янбоев қинда Самар-
қанд вилоят маданият бошқар-
маси ва маданият қозимлари
касаба уюшмаси вилоят қў-
митасининг фажрий ёрлиги би-
лан тақдирланди. Шунингдек
унга мамлакатдаги марказий
шаҳарларнинг ҳам олиш ўй-
ларининг бирига бoриш учун
йўлланма акретишга қарор
қилинди.

КИНОФИЛАР
ЗАФАРИ

Кинотеатр ва киноқурилиш-
лар идораси ходимлари жорий
йил планини мундтадан ил-
гари бажардилар. 1990 йил-
нинг ўй бир ойида 340 минг
томошабинга қизмат кўрсати-
лди. Шу вақт мобайнида 5082
та сeанс қўйилди. Бундан 71
минг сўм маблаг тушди.

Қўлга киритилган ютуғимиз-
да кинотеатрлардан Рустам
Тўхтамшиев, Раҳмон Омонов,
Тўлқин Мамбетов, Шомируд
Боймуродов, Ҳасан Халилов,
Сергей Руденко, Бозорбой Ус-
моновнинг муносиб ҳиссалари
бор. — дейди идора дирек-
тори А. Нормов. — Икони-
ятларининг ишга солиб, йил
охирига яна 430 та сeанс
қўямиз, 25 минг томошабинга
қизмат кўрсатиб, 6 минг сўм
қўшимча маблаг олишга ҳара-
кат қиламиз.

Ш. ШЕРАЛИЕВ.

НОЗИК МОЙ-УПА

МОСКВА. Пойтахтдаги
«Свобода» ишлаб чиқариш
бўйлашмасида «Карисмен»
деб аталган нозик мой-упа
ишлаб чиқарила бошланди.
Бу пардоз-андоз маҳсулотини
совет мутахассислари Фран-
циядаги «Рене дарро» фир-
масидаги ўз шериклари би-
лан биргаликда яратмоқда-
лар. Мазкур янгилан ҳар

қандай этга тўғри келиши
билан бошқалардан ажралиб
туради, аёллар юзини нафис
ва гўзал қилади. Яқин орада
янги мой-упанинг дастлабки
500 минг туркуми савдога
чиқарилди. Уни харид қи-
лишга муваффақ бўлган бах-
тиёр аёллар эса ана шу пар-
доз буюмининг сифатига ўз-
лари баҳо бера оладилар.

(ТАСС).

СПОРТ АЖБОРАТИ

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Москвада қурашнинг сам-
бо тури бўйича жаҳон би-
ринчилиги давом этмоқда.
Бу ерга тўпланган турли
мамлакатларнинг вакиллари
ҳар бир вазирда совринни
қўлга киритиш учун
бор маҳоратларини ишта
солмоқдалар. Таъкидлаш
жоний, ўсимрлар беллашу-
вида совет спортчилари ях-
ши қатнашдилар. Пирова-
рда улар етти мартаба
ҳўрмат шоҳсупасининг юқо-
ри поғонасига қўтарилишди.
56 килограммгача вазнда
К. Шаповал барча рақибла-
рини доғда қолдириб, жа-
ҳон чемпиони бўлди. В. Зе-
леный эса 60 килограммгача
вазнда зафар қўчди. Шунинг-
дек, Е. Сиденко, Н. Гарниав-
вилли, И. Костин, И. Парас-
кинопуло ва И. Загорко ҳам
юксак унвон соҳиб бўлид-
лар.

У. Султонов, А. Теренть-
ев, К. Кусиди кумуш ва
бронза медаллари билан
тақдирландилар.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ
ЯКУНЛАНДИ

«Торпедо» (Ярославль) —
«Торпедо» (Нижний Новго-
род) учрашуви билан мам-
лакат биричичилигининг оид
гуруҳида дастлабки бoсқич
мусобақалари якунланди. Бу
ўйинда Нижний Новгород
хоккейчилари 3:1 ҳисобида
устун келдилар.

Мавсумнинг илк бoсқичи
мобайнида Москва армиячи-
лари муваффақиятли қат-
нашдилар. Улар 28 учра-
шунинг 17 тасида ғалаба
қозондилар. Уч матчда им-
кониятни бой беринди. Сан-
киз ўйинда эса дуранг нати-
жага эришилди.

Пойтахт спартакчилари
ҳам ўз муҳлисларини ҳуш-
нуд этидилар. Натижада улар
биринчи бoсқичда 41 очко
тўплаб, иккинчи ўринни
банд этдилар. Пойтахт дина-
мочилари ҳисобида ҳам 41
та очко бор. Улар учинчи
ўринни эгаллаб турибдилар.

Ўйинлар жадвали

	У	Т	О
МАСК	28	110-67	42
«Спартак»	28	93-51	41
«Динамо» М	28	116-63	41
«Крилья			
Советов»	28	103-78	37
«Химки»	28	88-79	35
«Динамо» Р	28	114-82	31
«Торпедо» Я	28	83-80	30
«Сокол»	28	95-85	29
«Торпедо» НН	28	82-94	28
«Торпедо» У-К	28	80-99	26
«Автомобилист»	28	75-104	23
«Трактор»	28	68-81	21
«ЭТИЛ»	28	54-95	13
АСК	28	72-125	12
«Динамо» Мн	28	58-108	11

Шундай қилиб биринчи-
лигининг иккинчи бoсқичида
медаллар учун қураш олиб
борадилар. Унга команда
аниқланди. Бешта омадсиз
жамоа эса ўттиш турнирида
иштирок этади.

ГОЛИБЛИК
ИШТИЕКИ

Минскда «қўл тўпи бў-
йича эркаклар командала-
лари ўртасида халқаро
мусобақа ўтказилапти. Мама-
лакатинингнинг «Ешлар тер-
ма командаси галдаги учра